

## 1. Жиллетта

1612 йил адогидаги аёзли декабрь тонгида энгил-боши юпунгина йигитча Парижнинг Катта Августинчилар кўчасида жойлашган бир уй олдида тараддудланиб нари-бери бориб келарди. Илк бор севиб колган-у, аммо маъшукасига дил изхори килмокка ботинолмаган бўзболадек роса кўча тепкилагач, у нихоят, остона хатлаб, мэтр Франсуа Порбус<sup>1</sup> уйда бор-йўклигини сўрамокка жазм этди. Дахлиз супураётган кампирдан “Ха, уйдалар”, деган жавобни олгач, кирол хазратлари кандай кабул киларканлар, дея юраги така-пука бўлган янги сарой аъёни мисол, айланма зинапоянинг хар бир погонасида тўхтай-тўхтай, имиллаб юкорига чикди. Чикди-ю, устахона эшигига зеб бериб турган гаройиб болгачага кўл теккизолмай майдончада тагин туриб колди. Эхтимол, бу чок Рубенс дахоси порлаб, Мария Медичи назаридан колган Генрих Еттинчининг хос мусаввири ичкарида ижод килиб ўтиргандир. Айни дамда йигит хам бўлажак буюк рассомлар ёшлик шавки ва санъат ишки билан ёниб яшаётган кезлар бирор дахо ижодкор ёхуд дурдона асарга ёвук келган пайт бошдан кечирадиган жўшкин туйгулар исканжасида эди. Инсондаги хис-туйгуларнинг хам олижаноб интилишларга дохил бахор чечакларидек гул очиш фасли бўладики, бахт хотирага, шухрат эса рўёга айланиши билан улар секин-аста кузги боғлар каби заъфарон тортади. Калбнинг ўткинчи хаяжонлари орасида хеч бири шухрат ва кулфат йўлида эндигина ижоднинг илк ажиб кийноқларини тотаётган ёш рассомнинг журъату журъатсизликка, умиду умидсизликка лиммо-лим эхтиросичалик мухаббатга уйкаш эмас. Чўнтагида бир мириям йўг-у, аммо кўнгли ойни тусаган кезлари улкан санъаткорга дуч келиб, юраги дукиллаб уриб кетмаган рассомнинг калби албатта жиндек кемтик бўлади, мўйкаламида бирор бир бўёк, ижодида бирор бир туйгу, яратигида бирор бир жило етишмайди доим. Мен бўлгуси дахоман деб подадан олдин чанг кўтарган мактанчоклар эса ахмоклар кўзигагина окил бўлиб кўринади, холос. Гўзал хонимлар ноз-карашмани машк кила-кила тортинчоклик хиссини йўкотиб кўйгани каби, истеъдод эгалари хам санъат атрофида айлана-айлана осон бой бериб кўядиган уятчанлик хисси жихатидан каралса, худо йигитчани бу неъматдан асти кисмаган эди. Ишингиз бароридан кела бошлагач, журъатсизлик хам йўколади, тортинчоклик, уятчанлик эса, эхтимол, журъатсизликнинг бир туридир.

Агар тасодиф рўй бермаганида, мухтожликдан боши гангиган ва айни дамдаги дадиллигидан ўзи хам хайратда турган бечора йигитча Генрих Тўртинчининг ажойиб портретини чизган рассом хузурига киришга жазм этолмас эди. Хайриятки, ортидан бир чол чикиб келди. Аломат кийим-боши, хашамдор тўр ёкаси, сипо ва ўктам кадам олишидан бу одам устанинг хомийси ёхуд дўсти эканини пайкаб, йигит йўл бермок учун ўзини бир кадам оркага олди-да, бу зотда санъат ахлига хос хамият ёхуд санъат шайдосига хос илтифот аломатини кўриш умидида уни кизикиб кузата бошлади, аммо чолнинг юзида иблисона бир ифода, боз устига мусаввирни жалб этадиган мубхам ва галати бир жозибам-ей бор эди. Рабле ёхуд Сукротникидек ихчам, япаски, учи канкайган бурунга туташ сийка бошли кенг дўнг пешонани; атрофини ажин коплаган истехзоли лабни; кибр-ла олдинга туртган кичкина иякни; оппок чўкки соколни; кариликдан хира тортган, аммо газаб ёки кувонч дамлари хали хам одамни сеҳрлаб кўювчи нигох ташламокка кодир денгиз сувидек ям-яшил кўзларни тасаввур килинг-а!

Дарвоке, бу турк кариликдан кўра кўпроқ рух ва танани кемирувчи ўй-хаёллардан сўлгинлашгандек эди. Киприklar буткул тўкилиб битган, кош ўрнида яккам-дуккам мўйлар кўзга чалинади. Шу каллани заиф ва дардманд гавдага кўндирилган холда тасаввур этинг-да, уни оппоқ нафис тўр билан ўраб, чолнинг кора нимчасига йўгон тилла занжир осиб кўйинг, карабсизки, бу кимсанинг нотугалроқ сурати тап-тайёр – факат шуни ҳам кўшимча килиш жоизки, айни дамда зинапоядаги хира ёругда у хаёлий тусга кирган. Гўёки Рембрандт мўйкаламидан чиккан бу портрет касногини тарк этиб, улуг рассом хуш кўрган нимкоронгиликда сассиз кезиб юрибдими, деб коласиз. Чол йигитга синчков назар ташлаб, эшикни уч маротаба такиллатди ва уни очган кирк ёшлардаги рангпар кишига:

– Хайрли кун, мэтр, – деди.

Порбус назокат ила чолга таъзим килди ва йигитчани ҳам у билан келган деб фахмлаб ичкарига олди. Кейин эса улар йигитга деярли эътибор ҳам килишмади. Холбуки, йигитча рассомлик сир-асрорини ўрганиш мумкин бўлган устахонага илк дафъа кириб колган барча тугма мусаввирлар каби хайратдан котган эди. Уста Порбус ижодхонасини равоқдаги очик дераза ёритиб турарди. Ёруглик тўппа-тўгри мольбертга ва ундаги ок бўёк чапланган полотнога келиб тушар – зулматга чўмган бу катта хонанинг бурчак-бурчагига етиб боролмас эди; аммо унинг ўжар шуълалари нимкоронгилик аро гох деворга осилган суворий совутининг бўртиклариде кумушдек жилва килар, гох ноёб идиш-оёқлар териб кўйилган кўхна жавоннинг ўймакор накшли ялтироқ карнизини тарам-тарам бўлиб ёритар, гох хафсала билан кат-кат тах бериб тикилган ва чамаси битта-яримта картина учун натура ўрнида хизмат килган эски зарбофт парда гуддаларини ялтилатиб юборар эди.

Токча ва тагликларда ялангоч мушакларнинг ганчга тушириб олинган нухаларию антик давр илохаларининг гавдалари уюлиб ётарди. Калам ёки перо билан чизилган хисобсиз хомаки расмлару этюдлар деворни шифтга кадар тўлдириб ташлаган. Бўёк солинган кутилар, мой ва эритмалар куйилган шишалар, тўнкариб кўйилган узун харраklar орасидан баланд дераза сари факат тор бир йўлакча колдирилган, шу деразадан Порбуснинг рангпар юзию анови галати одамнинг саргимтир дўнг пешонасига тик ёруглик тушиб турар эди. Йигит ўша тахликали, олаговур йилларда жуда машхур бўлган бир картинага бутун вужуди билан сингиб кетган – бу картинани томоша килгани яккаш кайсар, чўрткесар одамлар келардики, бугун ўша кабохат даврида ҳам илохий оташ сакланиб колгани учун айнан шулар олдида карздормиз. Картинада дарё-дан ўтказиб кўйгани учун кайикчига кира хаки беришга чоғланган Миср кизи Марям тасвирланган эди.

– Авлиё аёлинг менга ёкади, – деди чол Порбусга. – Киरोлича сенга тўлайдиган хақ устига яна ўн тилла эю кўшиб берган бўлардим-у, аммо зоти олияларига тенглашаман деб бок-чи... холинг не кечаркан!

– Бу ишим сизга ёкадимми?

– Хе-хе, – дея тўнгиллади чол, – ёкадимми эмиш! Ёкадиям, ёкмайдиям. Аёлинг хўб хушбичим-у, аммо жонсиз. Сиз, мусаввирлар, одам аъзоларини анатомия конунларига мувофик жой-жойига кўйиб чизсак бас, деб хисоблайсиз. Сўнг бу шакл-шамойилни палитрада тап-тайёр турган тана рангидаги бўёк билан бўяшга тутинаркансиз, бир тарафини бошқасига караганда тўкроқ килиш пайида бўласиз ва каршингизда турган ялангоч аёлга факат шу максаддагина ахён-ахён назар ташлаб кўйиб, камина табиатни кайта бунёд этяпти, мен – худодан санъаткорлик сирини ўгирлаб олган зотман, дея

хаёл киласиз ўзингизни... Бе, кўйсангиз-чи! Буюк шоир бўлмок учун гапни чаппа тузишу зўр кофия топишнинг ўзи кифоя эмас-да! Авлиё аёлингга кара, Порбус! Бир карашда, у офатижон бўлиб кўринади, аммо сер солиб тикилсанг, полотнога чиппа ёпишиб колганини англайсан: унинг гирдида айланиб бўлмайди. У – факат олд томонигина бор, ёрти бир тасвир, холос. На у ёк-бу ёкка ўгирилиши, на-да им кокиши махол бўлган аёлсимон бир кўланка. Мен мана бу кўллар билан орка манзара оралигида хаво сезмаяпман; картинада бўшлик йўк; холбуки, олислашиш конуни тўлик-тугал сакланган, орка манзара коидасига хам худди шундай риоя этилган; аммо мактовга лойик бундай тиришкоклингга карамай, бу гўзал вужудга хаётнинг кайнок нафаси-ла жон уфурилганига асло ишонолмайман; дейлик, унинг олмадек шу кўкрагига кўл теккизсам, мрамардек совуклигидан сесканиб кетаман! Ха, дўстгинам, бу бугдойранг баданда кон гупираётгани йўк, чакка ва кўкрагининг тиник териси остида тўр бўлиб таралган томирларда хаёт алвон чашма каби жўш урмаётир. Кара, мана бу жойи нафас олаётгандек – худди тирик одамникидек, мана бу жойи эса килт этмайди, картинанинг хар бир бўлагига хаёт билан ўлим олишиб ётипти; мана бу ерда аёллик латофати намоён, бу ерда эса у кўгирчокнинг ўзи. Хуллас, асаринг номукамал. Сен севимли асарингга калбингнинг бир бўлагинигина багишлагансан, холос. Кўлингга Прометей машъаласи неча бор ўчиб колган, самовий оташ картинанинг кўп жойига тегмаган хам. – Сабаби нима, кадрли устоз? – деб сўради Порбус тавозе билан, йигит эса чолга мушт тушириб колишдан ўзини аранг тийиб турарди.

– Боиси шуки, – деди чол, – сен икки услуб ўртасида, расм билан бўёк танловида, эски немис усталарига хос бўлган икир-чикирларгача ўта аник тасвирлашдек совукконлик билан италян мусаввирларининг хайратомуз эхтироси ва олижаноб хотамтойлиги орасида каловланиб колгансан. Сен бир вақтнинг ўзида Ханс Холбейн ва Тицианга, Альбрехт Дюрер ва Паоло Веронезега эргашмокчи бўлгансан. Албатта, бу жуда зўр даъво! Бирок натижа кандай бўлди, хўш? На совукконликнинг тунд мафтункорлигига, на нур билан соянинг алдокчи ўйинига эриша олдинг. Худди кайнок мис мўрт колипни ёриб ташлаганидек, мана бу ерда Тицианнинг серхашам ва сержило бўёклари Альбрехт Дюрернинг сипо контурини бузиб, тошиб чиккан. Расмнинг бошка жойлари-ку дуруст, Венеция палитрасининг бой бисотига хам дош берган. Юз тасвирида эса на расм, на колоритни беками кўст деб бўлади, бу ерда машъум журъатсизлигинг излари аён кўришиб турибди. Модомики, бир-бирига терс бўлган бу икки ижод услубини истеъдодинг алангасида эритиб, кориштириб юборишга кўзинг етмадими, жонли натуранинг хечкурса бирор бир хусусиятини тугал ифода этадиган яхлитликка эришмок учун икковидан бирини танлашинг зарур эди. Сен факат оралик кисмларнигина хакконий тасвирлагансан; контурлар бўлса хаётинг чикмаган, улар охирига етказилмаган ва, демакки, бундан бирор маъно кутиш хам нораво. Мана бу ери табиий чикибди, – деди чол авлиё аёлнинг кўкрагини кўрсатиб. – Мана бу ери хам, – деб давом этди у елканинг тугаш жойига ишора килиб. – Аммо бу ери, – деди кўкрак оралигига кайтиб, – сираям ўхшамаган... Кел, сарак-пучак деб ажратишга нукта кўя қолайлик, акс холда ижоддан хафсаланг совиши хеч гапмас...

Чол курсичага ўтириб, кўлини чаккасига тираганча сукутга чўмди.

– Устоз, – деди Порбус унга, – мен, харкалай, бу кўкракни ялангоч танада обдон ўрганганман, лекин бахтга карши, табиат шундай таассуротлар тугдирадики, улар полотнода нохакконийдек бўлиб чиқади...

– Санъатнинг вазифаси табиатдан нусха кўчириш эмас, балки уни ифодалай билишдир.

Сен аянч бир нусхакаш эмас, чинакам санъаткорсан! – дея завкка тўлиб хитоб килди чол Порбуснинг гапини шарт бўлиб. – Акс холда, хайкалтарош хам ганчдан аёл шаклини оларди-да, шу билан иш тугади, деб кўлидаги юкни кетказишга уннарди. Кани, ганчдан севгилингнинг кўл шаклини ол-да, кара-чи, заррача ўхшашлик топармикансан, йўк, бу – айна мурданинг кўли бўлади, окибатда сен хайкалтарош олдига юкиниб боришга мажбур бўласан, у эса кўлдан аник нусха кўчирмаса-да, унга харакат ва хаёт бахш этади. Биз жонлию жонсиз мавжудотларнинг рухи ва мохиятини, ўзигагина хос бўлган киёфасини илгаб олмогимиз лозим. Таассурот, таассурот дейсан! Укиб ол, таассурот бу – хаётнинг ўзи эмас, ундаги бир тасодиф, холос! Модомики, кўлни мисол килдимми, шуни хам айтай, кўл нафакат инсон танасидаги бир аъзо, айна чокда илгаб олиниши ва акс эттирилиши керак бўлган фикр ифодаси хам. На мусаввир, на шоир, на хайкалтарош таассуротни сабабиятдан ажратмаслиги лозим, чунки бу иккиси – ялакат, бири бошқасисиз мавжуд эмас. Курашдан асл максад хам ана шу. Аксарият мусаввирлар санъатнинг шу коидасидан беҳабар бўлатуриб, ўзи хам билмаган холда галаба козонади. Сиз аёлнинг расмини чизасиз-у, бироқ унинг калбини кўролмайсиз. Бу ахволда табиатдан сир ўгирлаб бўлар эканми? Сиз ўзингиз сезмаган холда устозингиздан кўчириб олган битта колипни хадеб тасвирлайверасиз. Сиз шаклни калбдан туя билмайсиз, ундаги хар бир четлашиш ва чекинишни зўр ихлос ва сабот билан кузата олмайсиз. Гўзаллик бу – сипо ва кайсар хилкат – оппа-осон таслим бўлмайди, уни бўйсундириш учун кулай фурсатни кутиш, изма-из таъкиб этиш ва гафлатда колдириш даркор. Шакл бу – Протей<sup>1</sup>, бироқ афсонадаги Протейдан юз карра абжир ва хийлакор! Каттик олишувдан сўнггина уни асл киёфасида кўринишга мажбур этиш мумкин. Сизлар эса, унинг ўзи кай киёфада кўринишни хохласа, шу биргина киёфаси, нари борса, иккинчи, учинчи киёфасини кўриш билан каноатланасиз; галабага муносиб курашчи эса бунга кўнмайди. Бу толмас мусаввирлар турли хийла-найрангларга алданиб колмайди, табиатни ялонгоч холда асл мохияти-ла намоён бўлмокка мажбур килмагунча ахдидан кайтмайди. Рафаэль айнан шундай килган, – деди чол санъат киролига бўлган хурматини ифодалаш учун бошидан кора бахмал калпогини ечиб. – Рафаэлнинг бошқалардан бекиёс устунлиги – шаклни калбан туйиш ва табиатни мажбурлай билиш кобилиятидир. Унинг ижодидаги шакл – бор-йўги гоё, туйгу ва нафосатни етказиш воситасидирки, бизнинг “чизги”ларимизда хам айнан шундай бўлиши зарур. Хар бир тасвир – бутун бошли олам, мана шу дунёмиздан манба олувчи тасвир воситаларига парвардигорнинг ўзи ишорат бериб турган онлар калб кўзи-ла илганадиган ва бизга дафъатан юз кўрсатадиган муаззам нурли рўёдан андоза олиб чизиладиган портретдир. Сиз вужуднинг чиройли либосини кийдириб, латофатли кўнгирок сочлар чодраси билан зийнатлайсиз аёлингизни, бироқ унинг томирлари бўйлаб калбларга халоват ёхуд эхтирос соларок жўшиб окувчи ва зўр таассуротлар хадя этувчи ўша кон кани? Сенинг авлиё аёлинг – корасоч, аммо мана бу бўёклар, нотавон Порбус, малласоч аёлдан олинган! Шу сабаб хам сизлар матога тушириб олдимизга тизиб ташлаган бу киёфалар бўёк чапланган кўланкадан бошка нарса эмас, шуларни рангтасвир ва санъат асари деб атайсизми?.. Чизганингиз ажинани эмас, аёлни эслатгани учунгина койиллатдим деб хаволанасиз, кадимги мусаввирлар каби расмларингиз тагига *currus venustus*<sup>2</sup> ёхуд *pulcher homo*<sup>3</sup> деб ёзиб кўйишга эхтиёж йўклигидан гурурланасиз-да, ўзингизни зўр мусаввир хаёл киласиз!.. Хо-хо... Йўк, сиз хали бу даражага етганингиз йўк, кадрли биродарларим, асл рассом бўлиш учун хали канча мўйкаламнинг бошига етишингиз, канча матога кирон келтиришингиз керак! Жуда

тўғри, аёл киши бошини шундай туттади, этагини шундай кўтаради, чарчок босган кўзлари ҳам шундай малохат-ла йилтиллади, узун кайрилма киприк-ларининг титрок сояси ёнокларида худди шундай липиллайди. Хаммаси айнан шундай ва... шундай эмас ҳам! Хўш, топинг-чи, нима камлик кияпти? Арзимас бир чизги! Аммо шу арзимас чизгида гап кўп. Сиз хаётни факат зохирдан кўра оласиз, холос, ботиндаги тошкини бўзга туширолмайсиз, холбуки, бу тошкин кўкни коплаган булут янглиг жисмга харорат багишлаб турган жон-ку! Бошқача айтганда, сиз Тициан ва Рафаэлдан фарк этарок, барк уриб турган хаёт нафосатини тасвирлаб беролмайсиз. Сиз турган шу мавкедан яна олга харакат килинса, балки гўзал рангасвир асари яратса бўлар, аммо сиз тез орада холдан тойиб коласиз. Оддий одамлар асарингизга койил қолиб тасанно ҳам айтар, лекин чинакам билимдон мийгида кулибгина кўяди. О, Мабузе! О, устозим! – дея хитоб этди кўккис бу аломат одам. – Сен – ўгрисан, хаётни ўзинг билан ола кетдинг!.. Шунга карамай, бу асар бетамиз Рубенсинг кизил бўёк чапланган фламандча юзлар, малла сочлару тумтарок ранглар тошкинидан иборат полотносидан афзал. Асарингда харкалай колорит, хис-туйғу ва расмчилик – санъатнинг уч мухим узви тугал.

– Бирок авлиё аёл гоят жозибали, жаноб! – деди хаёлот оламида кезиб юрган йигит бирдан ўзига келиб баралла. – Хар иккала чехрада – авлиё аёлнинг ҳам, кайикчи эркакнинг ҳам юзида итальян усталарига номаълум бўлган бир нозик-лик барк уриб турибди. Кайикчининг юзидаги тараддуд ифодасини улардан бирортаси ҳам акс эттириб беролмасди, буниси – аниқ.

– Бу йигитча сизнинг хамрохингизми? – деб сўради Порбус чолдан.

– Ох, устоз, одобсизлигим учун авф этинг, – деди йигит кизариб-бўзариб. – Каминангиз расм чизишга озрок хавасманд. Илму санъат ўчоги бўлган бу шахарга яқиндагина келганман.

– Кани, бир кўрайлик-чи! – деди Порбус унга кизил калам билан когоз тутказиб.

Йигит чакконлик билан Марям тасвиридан нусха кўчириб берди.

– Ў-хў! – дея хитоб килди чол. – Исминг нима?

Йигит расм тагига “Никола Пуссен”2 деб имзо чекди.

– Ёш рассомчамиз чаккимас, – деди гап-сўзи телбанамо бу аломат чол. – Рангасвирдан унча-мунча хабаринг борга ўхшайди. Майли, Порбуснинг авлиё аёлидан бу кадар хайратга тушганинг учун сени койимайман. Ха, барчага бу асар – буюк ижод махсули, санъатнинг энг чуқур сирларидан вокиф кишиларгина ундаги кусурни кўра олади, холос. Аммо сен биздан сабоқ олишга лойик экансан, колаверса, фахм-фаросатинг ҳам бинойидек, шу боис сенга хозир бу картинани тугалламок учун нималар килиш кераклигини кўрсатаман. Кўзингни каттарок оч, диккатингни жамла, эхтимол, сабоқ олишга бундай кулай фурсат кайта насиб этмас сенга. Порбус, кани, менга палитрангни узат-чи.

Порбус палитра билан мўйкаламларни унга тутказди. Чол бир даста катта-кичик мўйкаламни унинг кўлидан қарийб юлкиб олди, чаккон енг шимариб, зилдек олачипор палитра тешигига бошмалдогини сукди. Чолнинг чўкки соқоли жўшкин хаёл долгаларини ифодалаган каби туйкус қахрли силкиниб кетди. У мўйкаламни бўёкка ботираркан, тишлари орасидан жаврар эди:

– Мана бу бўёқларга кўшиб, уни қориштирган одамни ҳам деразадан улоктириб юбориш керак, ранглар беҳузур килар даражада ёркин ва калбаки – шулар билан бир иш килиб бўладими, ахир?

Чол жазавакор шиддат билан мўйкаламни хар хил бўёқларга шундай чаккон ботира

кетдики, унинг кўли гамма устида О filii3 пасха мадхиясини ижро этиш пайтида клавишлар узра сузган черков органунчиси бармокларидан хам абжиррок югурар эди. Порбус билан Пуссен полотнонинг икки томонида унга махлиё бўлганча турарди.

– Кўряпсанми, йигитча, – деди чол бошини ишдан кўтармай, – кўряпсанми, иккита ё учта чизгию битта тиник ложувард бўёк билан шундай бўгик хавода нафаси кайтиб, сал бўлмаса ўлаёзган авлиё аёлнинг боши атрофида енгил шабада эса бошлади. Кара, либос бурмалари энди кандай тебраниб-хилпирамоқда, гўё шабада улар билан ўйнаётгандек! Вахоланки, у илгари худди нина тўгнаб кўйилган охорли бўзга ўхшаб турган эди. Пайкаяпсанми, хозиргина кўкрагига мана бу ёркин шуълани югуртирдим ва у аёл баданининг майин таранглигига нақадар хакконийлик бахш этиб юборди? Ёки кон жўш уриш ўрнига тўнгиб котиб колган мана бу кулранг ва совук бўшликка кизгиш жигарранг билан кизгиш сарик ранг аралашмаси нечоғли харорат уфурди? Йигитча, укиб ол, шу тобда сенга кўрсатаётганларимни бошка бирорта устоз ўргата олмайди! Танага хаёт бахш этиш йўлини ёлғиз Мабузегина биларди. Мабузе факат битта шогирд чикарган – у хам бўлса менман. Менинг эса картайиб колганимга карамай битта хам шогирдим йўк. Нимага шама килаётганимни тушунган бўлсанг керак...

Бу галати кариянинг чакаги билан бирга кўли хам тинмас, картинанинг хар хил кисмларига тузатишлар киритар эди; мана, у бу ерга икки марта, бошка ерга бир марта бўёк урди. Хар гал бўёк суртганида гўё янги бир рангтасвир асари пайдо бўлиб борарди. Чол шундай эхтирос, шундай шиддат билан ишлар эдики, такир бошига тер тепчиди; у мўйкаламни кескин, эпчил ва бесабр юргизаркан, навкирон Пуссенга худди бу аломат одамнинг ичига иблис кириб олгану унинг кўлларини ўз майлича харакатлантираётгандек туюлиб кетди. Кўзларининг мажхул бир кучни даф этаётган сингари гайритабий чакнаши, кўлларининг асабий силтаниши йигитча кўнглида гимирлаган бу гапнинг бир кадар ростлигини тасдиклаётгандек эди. Чолнинг кўли ишда-ю, чакаги хам ёпилмасди:

– Вох! Вох! Вох! Бўёкни мана бундай чаплайдилар, йигитча! Кани, бўёкларим, шу совук чизгиларни жонлантириб юборинг-чи. Кани, кани! Шундай, шундай! – дея бир-икки бўёк суртиш билан Марямнинг кадди-бастидеги баъзи галатликларни бартараф этар, хаёт асари сезилмаяпти, дея бармок никтаб кўрсатган жойларини жонлантириб юборар, кизнинг эхтиросли табиатига мос рангларни йўқдан бино этар экан, хитоб киларди кария: – Кўряпсанми, азизим, хамма гап сўнги бўёкни кандай беришда! Порбус юз марталаб бўёк суртган бўлса, мен бир мартагина мўйкалам юргиздим. Сўнги бўёк тагида колиб кетган рангларни эса хеч ким хатто эсламайди хам. Буни ёдингда тут! Нихоят, кария ишини тугатиб, хайратдан донг котган Порбус билан Пуссенга юзланди-да:

– Бу асарнинг “Гўзал Нуазеза”мга етишига хали анча бор, аммо тагига имзо чексам арзийди. Ха, шу асар тагига имзо кўйсам ярашади, – деди у кўзгу олиш учун жойидан кўзгалиб. Сўнгра картинани кўзгуга солиб томоша кила бошлади. – Энди, юринг, нонушта киламиз, – деб колди кария дабдурустан. – Иккалангиз уйимга мархамат киласиз. Дудланган сон гўштию хуштаъм шароб билан мехмон киламан сизларни. Хе-хе, шундай тахликали замонларда хам биз рангтасвир хакида бахслашаг-а! Ха, чакана одамлар эмасмиз! Мана бу йигитчанинг хам кобилияти чаккимас, – деб кўшиб кўйди у Пуссеннинг кифтига кокиб.

Шунда чолнинг назари йигитчанинг уникиб кетган камзулига тушди-ю, камарига осиглик чарм хамёни пайпаслаб топди-да, ичини кавлаб икки тилла танга олди ва Пуссенга

узатиб:

– Боя чизган расмингни сотиб оламан, – деди.

– Олавер, – деди Порбус Пуссенга унинг титраб ва кизариб кетганини кўриб: ёш мусаввир калбида камбагаллик ори тугён урар эди. – Олаверсанг-чи, бунинг хамёни киролникидан хам каттарок!

Учовлон устахонадан чиқишди-да, санъат хакида сухбат кила-кила, Сен-Мишель кўприги якинидаги кўркам ёгоч уйга етиб келишди. Уйнинг жимжима безакларию эшигидаги болгачаси, деразасининг панжарасию накш-нигорлари Пуссенни махлиё этди-кўйди. У эсини йигиб олган чоғда анвойи ноз-неъматга тўла дастурхонга ёндош чарс-чурс ёниб турган камин олдида, не ажиб бахтки, бир-биридан сухбати ширин икки буюк мусаввир даврасида ўтирарди.

– Йигитча, – деди Порбус унинг бир картинадан кўз узолмай колганини кўриб, – бу полотнога кўпам тикилиб караманг, акс холда кайфиятингиз бузилади.

Бу – Мабузенинг “Одам ато” картинаси бўлиб, рассом ўзига карз берган кимсалар уни узок вақт камокка тикиб кўйганида хибсдан озод бўлиш учун чизган эди. Одам атонинг кадди-басти шу кадар табиий, шу кадар хакконий кўринардикки, Пуссен чолнинг дудмал сўзларидаги туб маънони шу дакикадаёқ англаб етди. Чол эса картинага коникиш билан, аммо завк-шавксиз бокиб турар, гўё кўнглидан “Мен бундан яхши чизаман”, деган ўйни ўтказар эди.

– Унда хаёт уфуриб турибди, – деди чол, – бу асарни чизганда боёкиш устозим ўзидан илгарилаб кетган, бироқ туб мохиятда хаккониятга етиша олмаган. Одам ато гўё тирик, у хозир ўрнидан туриб, сиз томон юриб келадигандек. Аммо биз нафас олаётган хаво, биз бокиб турган само, биз хис этаётган шабада йўк бу асарда! Колаверса, ундаги одам хам – шунчаки бир одам. Вахоланки, парвардигор эндигина йўқдан бор этган бу илк одамда бирор илохий белги ниш бериб турмоғи зарур эди, унда бўлса айнан шу нарса йўк. Мабузенинг ўзи хам шароб тотмаган хушёр чоғлари хасрат билан икром бўларди бунга.

Пуссен тийиксиз бир кизикиш билан гох чолга, гох Порбусга термилар эди. У хатто бир гал уй сохибининг исмини сўраш учун Порбуснинг ёнига хам борди, аммо Порбус юзига сирли тус бериб бармоғини лабига босди, кизикиши баттар алангаланган йигитча бу исми эртами ё кеч тасодифан огиздан чикиб кетадиган бирор лукмадан билиб олишга умид боғлаб, мум тишлаб колди. Порбус сидкидилдан бажо келтираётган хурмат-эҳтиром хам, хонани тўлдирган ажойиб асарлар хам уй сохибининг, ҳеч шубхасиз, катта бойлик ва зўр истеъдод эгаси эканидан гувоҳлик берарди.

Корамтир эман ёгочидан ясалган панелда аёлнинг серхашам портретини кўриб, Пуссен хаяжон ичида:

– Қандай гўзал! Жоржоне! – дея хайкириб юборди.

– Йўк! – дея эътироз билдирди чол. – Каршингизда – каминанинг илк асарларидан бири, холос.

– Ё парвардигор, демак, мен кимсан – рангтасвир худосининг уйида меҳмон эканман-да!

– деди Пуссен соддадиллик билан.

Бундай илтифотларга аллақачон кўникиб кетган чол факат жилмайибгина кўйди.

– Френхофер, азиз устозим, – деди Порбус, – менга асл Рейн шаробидан озрок беролмайсизми?

– Икки бочка берганим бўлсин, – деди чол хотамтойлиги кўзиб, – бирини мисрлик

Марямингдан олган завким хакки, иккинчисини эса дўстлигимиз хакки тортик этаман.

– Ох, агарда уззукун хасталик кийнамаганида, – деди Порбус, – колаверса, “Гўзал Нуазеза” нгизни бир кўришимга ижозат этганингизда, мен катта-катта жозибадор асарлар яратган, одамларни бўйи баравар килиб чизган бўлардим.

– Асарингизни кўрсайдим, дейсанми? – деди хаяжондан титраб чол. – Йўк, асло! Мен хали уни якунлаганим йўк. Кеча окшом, – дея давом этди у, – Нуазезамга нукта кўйдим деб ўйлаган эдим. Унинг мижжаларида ёш калкигандек, вужудига эса жон киргандек кўринган эди. Кокиллари тўлқин урарди. Нафас оларди у! Гарчанд силлик матода натуранинг дўнг ва думалок жойларини кандай тасвирлаш йўлини топган бўлсам-да, бугун эрталаб, ёругда хатомни пайкадим. Эх, Нуазезани тирикдек чизмок учун канча-канча буюк колорит усталари ижодини кунт билан ўрганмадим, ёруглик туширишнинг пири бўлган Тициан картиналарини катламма-катлам кўриб чикмадим, тахлил килмадим! Мен шу буюк мусаввир сингари, юзга илк бўёк беришда ёркин ва куюк рангларни кўлладим, чунки соя – факат бир тасодиф, холос, буни ёдингда тут, карогим. Сўнг ишимни етган жойидан давом эттириб, нимсоя ва ёркин рангларни оз-оздан куюклаштириш эвазига кора ва тимкора сояларни туширдим; ахир, хамма мусаввирлар чизган асарларда натуранинг соя тушган жойлари нур тушган жойларидан бошқачарок ашёдан: дейлик, ёгочми, биринжми ёки бошка бирор нарсадан яралгандек туюлади, аммо соя тушиб турган танага ўхшамайди, асло! Бу асарларда мабодо тана холати ўзгарса хам, аввал соя тушган жойлари ўша-ўша – ёришмай колавериши билиниб туради. Кўпгина машхур мусаввирлар хам йўл кўйган бу хатони мен четлаб ўтдим – картиналаримда энг куюк соя ортида хам жуда ёркин ранг кўпириб туради. Мен, хар бир чизгини хафсала билан чизгани учунгина ўз ишимнинг устасиман деб мактанувчи кўпгина нодон мусаввирларга ўхшаб, гавдани аник чизиклар билан тасвирламаганман, анатомик майда-чуйдаларгача ижикилаб ўтирмаганман; негаки, инсон танаси чизикларгагина караб колган эмас. Бу борада хайкалтарошлар, биз, мусаввирлардан кўра, хакикатга ёвукрок боради. Натура биридан бошқасига ўтиб турувчи дўнгликлардан таркиб топган. Наф-силамри, расм деган нарса йўк ўзи дунёда! Кулманг, йигитча. Бу сўзлар сизга хар канча галати туюлмасин, бир кун келиб албатта магзини чакасиз. Чизик дегани шундай бир воситаки, инсон унинг кўмагида жисм сиртида ёруглик жилвасини пайкаб олади. Аммо бошдан-оёк бўртик табиатда асли чизик деган нарса йўк: расм факат намуна олиш, яъни бирор жисмни ўз мухитидан ажратиб кўрсатиш билан яратилади. Факат ёругликнинг таркалишигина жисмларга намоён бўлиш имконини беради! Шунинг учун мен яккол чизгидан кочиби, контурни очик ва илик нимтатир ранглар тумани билан яширганман, бинобарин, хеч ким картинада контур билан фон туташиб кетган жойни бармок нукаб кўрсатиб беролмайди. Якин бориб карасангиз, бу асар гўё пахмок бир нарсадек кўринади, бироқ икки кадам оркага чекинсангиз, хаммаси аник ва яккол бўлади-колади – вужуд харакатга келади, шакллар бўртиб чиқади, хаво эпкин таратади. Бироқ, шунга карамай, хали асардан кўнглим тўлгани йўк, гумон эзмокда мени. Балки бирорта хам чизик тортмаслигим керакмиди, аввал нурга чулгалган бўртик жойларга уннаб, кейин, аксинча, соя тушиб турган жойларга ўтсам – ишни Нуазеза кадди-бастининг кок ўртасидан бошласам дурустмиди? Ахир, дунёнинг назаркарда мусаввири – куёш айнан шундай йўл тутмайдими? О табиат, табиат! Сенинг лип этиб кўриниб, сўнг гойиб бўлувчи этагингдан тутиш бирор марта бирор кишига насиб этганмикан? Ўзинг хам тан ол – ортикча билим, худди нодонлик каби, кишини гумон ва инкор йўлига етаклайди. О, асарим мукамал эканига шубхам бор!



Чол бир лахза тин олиб, сўнг яна сўзида давом этди:

– Шу асарни бошлаганимга ўн йил бўлди, йигитча. Бирок гап тирик табиатни забт этиш хакида борар экан, ўн йил нима бўлибди! Пигмалиондек кудрат сохиби биргина хайкал яратиб, уни тирилтириш учун канча вақт сарф этгани бизга коронги, ахир!

Чол каттик ўйга чўмди, у кўзини бир нуктага қадаганча кўлида беихтиёр пакки ўйнатарди.

– У ўз рухи билан суҳбат қуряпти, – деди Порбус пичирлаб.

Шу он Никола Пуссен борлигини сўз билан таърифлаб бўлмас кизиқиш эгаллаб олди. Маъносиз кўзларини бир нуктага қадаганча донг котган чол, Пуссен наздида, инсондан-да олийрок бир хилкат, бошка бир оламга дохил гаройиб дахо эди. У кўнгилда минглаб мавхум фикрлар уйготарди. Ватан хакидаги кўшик бадарга этилган одамда қандай таассурот кўзгатишини сўз билан ифодалаш қанчалик қийин бўлса, шу қабилдаги жодуловчи таъсирда ўзини намоён этадиган рухий ҳаёт ходисотларини аниқ таърифлаш ҳам шунчалик мушкул. Чолнинг санъатдаги энг зўр кашфиётларга ошқора нафрати, ҳеч қимниқига ўхшамаган феъл-атвори, Порбуснинг унга бўлган эхтиромия узок вақт пинхон тутилган, катта сабр ва кунт эвазига яратилиб, ёш Пуссенни каттик хаяжонга солган ва ҳатто Мабузенинг “Одам ато”сидан ҳам зўр чиққан Биби Марямнинг боши эскизини кўргач айтилса, шубҳасизки, буларнинг бари санъат мулки султонларидан бирининг илохий мўйқаламидан шаҳодат берар, бу чолдаги жамики ҳислат инсон табиатининг чек-чегарасини бузиб чиққан эди. Никола Пуссеннинг жўшқин ҳаёлида шу ажаб зотнинг биргина жихати аниқ, ёркин акс этди: бу – тугма мусаввирнинг барқамол тимсоли эди, одатда бундай зотлар ихтиёрига буюк куч-қудрат берилган бўлади ва улар баъзан шу куч-қудратни суиистеъмом қилишгача бориб етадики, оқибатда наинки оддий одамлар, ҳатто санъат шайдолари ҳам уларга бутун ақл-идроқини топшириб қўйиб, ҳеч вақо топиб бўлмас минглаб тошқўчаларга эргашиб кетади, ваҳоланки, илоҳифат, девонаваш бу қалбнинг кўзига ўша тошқўчаларда оламшумул воқеалар, маҳобатли саройлар, санъат мўъжизалари кўринади. У табиатан ҳазилқаш ва кўнгилчан, бой ва фақир бир хилкат! Шундай қилиб, серзавқ Пуссен наздида, бу чол дафъатан санъатнинг нақ ўзига – сиру асрорлар, тугёну тўлғонишлар, орзу ҳаёллар билан тўлиб-тошган санъатга айланди-қолди.

– Ҳа, азизим Порбус, – дея яна гапга тушиб кетди Френхофер, – шу вақтгача чехрасию танаси бениҳоя чиройли, бенуксон бўлган сохибжамолни учратиш насиб этмади менга. Айниқса, унинг териси шундай бўлсаки... Лекин қадимги одамлар ҳаёлоти яратган илохий Венеранинг тиригини қайдан топай? Биз бу гўзалликни қанчалик иштиёқ билан излайлик, фақат бўлақларнигина топамиз, холос! Ох, ўша илохий санамни, гўзаллик фариштасини, ҳуллас қалом, идеални фақат бир марта ва бир лахза кўрмок учун бутун мол-дунёмни нисор этган бўлардим. О, самовий гўзаллик, сени ахтариб нариги дунёга боришга ҳам розиман! Сени олиб қелиш учун, Орфей сингари, санъат жаҳаннамга тушишга ҳам тайёрман!

– Энди кетсак ҳам бўлар, – деди Порбус Пуссенга, – бу ёғига у бизни эшитмайди ҳам, кўрмайди ҳам.

– Устаҳонасига қирсақ-чи? – деди хануз хаяжонини босолмаган йигитча.

– О, қари тулқак олдиндан бунинг эхтиёт чорасини кўриб қўйган. Унинг ҳазинаси каттик муҳофаза қилинади, қириб бўпмиз у ерга! Бу фикр, бу истак фақат сиздагина пайдо бўлган эмас, мен ҳам аввал бу асрорхонага қиришга уриниб кўрганман...

– Демак, сир яширилган экан-да у ерга?

– Ха, – деди Порбус. – Мабузе шогирдликка олган яккаю ягона одам шу – кекса Френхофер бўлади. Френхофер Мабузегга хам дўст, хам хомий, хам падар эди, унинг бетийик эхтироси йўлида озмунча бойлигини сарфламаган бу чол. Мабузе эвазига унга рельеф сирини очган, бизга факат орзу бўлиб колаётган – танага фавкулудда хаётийлик ва табиийлик багишлаш махоратини ўргатган. Дарвоқе, Мабузе бу махоратни шу кадар пухта эгаллаганки, Карл Бешинчининг саройидаги маросимга тиктириб кийиб бориши керак бўлган гулдор шохи матони сотиб, ичиб кўйиб, у ерга коғоздан либос кийиб борганини биров пайкамаган хам. Чунки Мабузе коғозни нак гулдор шохи матога айлантириб юборган ва гаройиб либос хатто император назарига тушиб, у қари пиёнистанинг хомийсига бундан гоят завкланганини шипшиб ўтган. Бирок баъзи “хира” киборлар либосни ушлаб кўрмокчи бўлган-у, окибатда ёлгон фош бўлиб колган... Френхофер – тасвирий санъатга зўр эхтирос билан ёндашувчи одам, унинг карашлари бошка хамкасбларига караганда кенг ва чуқур. У бўёқлар ва чизикларнинг хакконий чиқиши устида кўп бош котирган, натижада, ўз фикр-ўйларига хам шубха билан қарайдиган бўлиб колган. У ноумид бўлган чоғларида расм – аслида йўқ нарсга, чизиклар билан факат хандасавий шаклларнигина ифодалаш мумкин, деб жаврайди. Бу шуниси билан хам янглиш фикрки, яккаш чизик ва қора доғлар ёрдамида хам тасвир яратса бўлади. Ахир, тасвирий санъат хам табиатнинг ўзидек кўпгина унсурлардан ташкил топган: расм бу – моя, колорит эса – хаёт, лекин моясиз хаёт хаётсиз мояга караганда нотугалдир. Ва ниҳоят, мусаввирга энг зарури – бетиним кузатиш ва машқ қилишдир – агар ақл ва туйғу мўйкаламга эш бўлолмасга, зўр мусаввир, шу билан бирга телба хам бўлган чолимиз мисол, шубхалар гирдобига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бу гаройиб мусаввир, таассуфки, бой бўлиб тугилган, шу сабаб хам унинг ортикча ўйлашга имкони бор. Сиз унга таклид қилманг! Ишланг, тер тўкин! Мусаввир кўлда мўйкалам билангина ўй-хаёлга берилиши керак.

– Биз ўша хонага албатта қирамиз! – дея бирдан хитоб қилди Пуссен. Шу дамда Порбуснинг гапи унинг қулогига қирмас, ўзининг қалтис нияти йўлида ҳар нега-да шай эди.

Порбус йигитчанинг завк-шавкига шунчаки жилмайиб кўйди ва келиб турунг, дея у билан хайрлашди.

Никола Пуссен секин кадам ташлаб де-ля-Арп кўчасига қайтди ва хаёл сурганича ўзи яшаб турган одми мехмонхонага қандай етиб келганини сезмай қолди. У омонат зинадан шоша-пиша энг юқори қаватга чиқди ва барча эски Париж ўйлари қаби ёғоч тўсинлари очилиб турган, беҳафсала ёпилган том остидаги гарибгина хужрага қирди. Шу захотиёқ ягона хира дераза олдида турган қизга кўзи тушди; эшик гичирлаши биланок бу севгидан энтиккан қиз, сапчиб оёкка турган, мусаввирни эшик бандини тутишиданок таниган эди.

– Сенга нима бўлди? – деди у Пуссенни кўрар-кўрмас.

– Мен, мен, – дея қичкириб юборди йигит азбаройи қувониб кетганидан нафаси қайтиб, – ўзимни мусаввир деб ҳис этдим! Шу вақтгача шубхаланиб юрардим, аммо бугун эрталаб ўзимга ишонч пайдо бўлди. Мендан буюк мусаввир чикса эхтимол! Ха, Жиллетта, биз бойлик ва бахтга эга бўламиз! Бу мўйкаламлар хали бизни олтинга кўмиб ташлайди! Шундай дея йигит бирдан жим бўлиб қолди. У ўзининг буюк орзуларини аянч-ли ахволи билан таккослар экан, жиддият ва шижоат уфуриб турган чехрасидан шодлик ифодаси ариди. Хона деворларига ёпиштирилган силлик гулқоғозга қалам билан эскизлар қизиқ ташланган эди. Йигитнинг хатто тўрт дона оҳорли полотноси хам йўқ эди. Бўёқ ўша

даврларда ўта киммат бўлиб, боёкишнинг палит-раси ҳам деярли бўм-бўш турарди. Гарчи шундай мухтожликда кун кечирса-да, у ўзини катта маънавий хазина эгаси, хар ишга курби етадиган зўр истеъдод сохиби деб биларди. Бир зодагон таниши, тўғрироги, ўз таланти оркасидан Парижга келиб колган Пуссен аксар аёллар бу ерда хашам кетидан кувиб, хиссизлигини кўз-кўзлаб юрган бир вақтда, ёш жонини улуг бир инсонга бахшида этиб, барча жабру жафоларни сўзсиз бўйнига олган, мухтожлик азобини бирга-бирга тортадиган, бу зотларнинг инжикликларини мик этмай кўтарадиган, кашшоклик ва мухаббат синовларига дош берадиган аёллар тоифасидан бўлган олижаноб ва танти бир киз билан тасодифан танишиб, уни севиб колди. Жиллеттанинг лабларида ўйнаган табассум куёш шуълалари билан бахс бойлаб, чордоқдаги бу хужрани тилла мисол товлантириб юборди. Куёш-ку хар доим ҳам чараклайвермайди, аммо бутун борлигини ёлғиз мухаббатга бахш этган, ўзининг бахту кулфатига бирдек кўникиб кетган бу киз доим шу ерда – санъат сирларини эгаллашдан ҳам бурун севги дунёсига гарк бўлган истеъдод эгасига таскин бериб чарчамайди.

– Кел багримга, Жиллетта, сўзимни эшит, – деди йигит.

Киз кувончдан ял-ял ёниб йигит сари отилди-да, унинг тиззасига ўтириб олди. У мафтункор ҳам жозибадор эди; бахор мисол гўзал бу парига покиза калб нури билан йўғрилган аёл латофати бус-бутун бахш этилган эди...

– Ё худойим, – дея ох урди йигит, – кандай килиб айтаман...

– Кандай гап у? – деб сўради киз. – Кани, айтсанг-чи! – Пуссен хаёлга чўмиб турарди. – Нега жимсан? – деди киз бетокатланиб.

– Жиллетта, гўзалим!

– Ох, нима килай сенга, айт?

– Мен...

– Агарда сен аввалги сафаргидек менга караб расм солмокчи бўлсанг, – деди киз лабини чўччайтириб, – бунга сира кўнмайман, чунки бундай дамларда кўзинг локайд бўлиб колади, менга бокиб турасан-у, хаёлинг менда эмас...

– Демак, менга бошка аёл натурачи бўлса, шу ёкар экан-да сенга?

– Эхтимол. Жуда хунук бўлсагина.

– Айт, келажакда шон-шухратга бурканишим, буюк мусаввир бўлиб танилишим учун, – деди Пуссен бирдан жиддийлашиб, – бошка мусаввир олдида ялангоч туришга рози бўлармидинг?

– Нима, мени синаб кўрмокчимисан? – деб сўради киз. – Хечам рози бўлмайман-да, буни ўзинг ҳам биласан-ку.

Пуссен жуда катта шодлик ёки кайгуга дуч келган одамдек бошини эгиб олди.

– Кулок сол, – деди Жиллетта Пуссеннинг эски камзули енгидан тортиб, – Ник, сен учун ўзимни хатто курбон килишга тайёрман, аммо хали тирик эканман, мухаббатимдан воз кеча олмайман...

– Мухаббатдан воз кечиш?! – деб бакириб юборди Пуссен.

– Бошканинг олдида ялангоч бўлсам, мени севмай кўясан-да! Кейин ўзим ҳам ўзимни сенга муносиб кўрмай коламан. Сенинг хусуригга итоат этиш, бу – табиий ва жўнгина хол, шундай эмасми? Хар кандай вазиятда ҳам сенинг хохишингни мамнунлик билан ва хатто фахрланиб адо этаман. Аммо бошка одам учун... Кандай разолат!

– Кечир мени, азизам Жиллетта! – дея ўтина кетди мусаввир тиз чўкиб. – Шухрат козонгандан кўра, мухаббатингни асраб колганим афзал. Сен мен учун мол-дунёю шон-шухратдан баланд турасан! Кани, мўйкаламларимни улуктир, эскизларимни ёкиб

юбор. О, каттик янглишдим! Мен асли сени севиш учун яралганман. Мен – мусаввир эмас, мухаббат гадосиман. Санъати хам, унинг сирлари хам ордона колмайдими! Киз кувонч ва хайратга кўмилганча ошигига махлиё бўлиб колди. Киз голиб келган эди, уни деб санъатдан воз кечилди, санъат унинг оёқлари остига нисор этилди, буни ич-ичидан хис килиб турарди у.

– Хар калай, ўша мусаввир – мункиллаб колган чол, – деди Пуссен яна аввалги хаёлларига кайтиб, – сенинг вужудингда баркамол шаклнигина кўради. Сендаги гўзаллик шу кадар мукамалки...

– Мухаббатни деб нималарга рози бўлмайсан! – дея хитоб килди киз, уни деб бор-будидан кечгани учун севгилисини тақдирламок учун бояги гапларини кайтиб олишга хам тайёр бўлиб. – Аммо унда мен адои тамом бўламан. – Ох, сени деб адои тамом бўлиш! Ахир, бундан ортик бахт бор эканми! Бирок сен мени унутиб юборасан... О, жуда чакки ўйлабсан буни!

– Сени севатуриб хам шундай хаёлга бордим-а, – деди йигит пушаймонлик билан. – Палид одамман!

– Кел, Ардуэн амакига маслахат солиб кўрамиз, – деди киз гўё чорасини топгандек.

– Э, йўк! Бу гап иккимизнинг ўртамизда колиши керак!

– Унда... майли, борганим бўлсин, аммо сен мен билан устахонага кирмайсан, – деди киз катъий охангда. – Эшик ортида ханжар билан хушёр бўлиб тур. Мабодо кичкирсам, чопиб кирасан-да мусаввирни ўлдирасан.

Сирни очиш иштиёки билан ёнган Пуссен Жиллеттани суйиб багрига тортди.

“Энди мендан кўнгли колади”, деб ўйлади Жиллетта йигит кетгандан кейин.

Киз рози бўлганига афсус чекди. Аммо тезда уни бу пушаймондан хам кучлирок вахима босди. У хаёлида бош кўтарган дахшатли фикрни асабий тарзда хайдамокчи бўларди.

Никола унчалик хам хурматга лойик эмас экан, деган фикр Жиллеттанинг хаёлига келган онданок гўё уни аввалгидай каттик севмаётгандек туюлмоқда эди.

## II. Катрин Леско

Пуссен билан учрашувидан уч ой ўтгач, Порбус устоз Френхоферни кўргани борди. Чол яна иттифоко каттик умидсизликка тушиб колган, бунинг сабаби, табиблар таъбирича, хазми таомнинг бузилиши ёки об-хаво таъсирида, спиритуалистлар таъбирича эса, маънавий табиатимизнинг номукамаллигида эди. Чол барчадан сир тутаетган картинасини тугатаман деб толикиб колган эди. У эмандан ясалган кора чарм копламали кенг оромкурсида маъюсина ўтирар, Порбусга хам гуссанишин киши назари билан бокар эди.

– Нима гап, устоз? – деди Порбус унга. – Брюггадан келтирган оч кўк бўёгингиз яхши чикмадими? Ёхуд ўзингизнинг ок бўёгингизни майда килиб туёлмадингизми? Ёки мой айниган эканми? Ё мўйкалам дагал чикдими?

– Эвох! – дея хитоб килди чол. – Асаримни якунладим деб ўйлаган эдим, бирок хулосага шошибман чоги, лекин барибир нима камлик кияпти, шуни аникламагунча тинчимайман. Мен энг гўзал аёллар орасидан моделлар топиш ва уларни картинамга таккослаш учун Туркия, Юнонистон хамда Осиёга саёхат килмоқчиман. Эхтимол, юкоридаги санам, – деди у лабига табассум югуриб ва кўрсаткич бармоги билан устахонасига ишора килиб, – гўзалликнинг жонли тимсолидир. Мен гохида дайди шабада эсиб аёлни уйготиб юборсаю у гойиб бўлиб колмаса эди деб вахимага тушаман...

Чол гўё хозир йўлга отланадигандек сапчиб ўрнидан турди.

– Ўхў, – дея хитоб килди Порбус, – сизни йўл чикими ва захматидан халос этиш учун заб вақтида келибман-да.

– Кандай килиб? – деб сўради Френхофер ажабланиб.

– Эшитишимча, навкирон Пуссенни хусну малохатда бекиёс бир аёл севар экан. Бирок, кадрли устоз, Пуссен уни сизнинг хузурингизга юборишга рози бўлса, сиз хам у холда полотнонгизни бизга кўрсатишингизга тўғри келади.

Чол бу гапдан гўё карахт бўлиб колди.

– Нима?! – деди у ниҳоят аянчли овозда. – Ўз санъатим, ўз рафикамни сизларга кўрсатайми? Бахтимни бокира асраган пардани чок-чок килиб йиртиб ташлайми? Ахир, бу жирканч фахш эмасми! Мана, ўн йилдирки, мен шу аёл билан тирикман, у меники, факат меники, у мени севади. Хар гал жило берганимда у менга табассум хадя этади. Унинг калби бор, мен ато этганман бу калбни. Агар мендан бошка киши унга назар ташласа борми, уятдан лов-лов ёнади у. Уни бизга кўрсатинг дейсан-а? Айт-чи, кайси эркак шундай тубанликка боради, махбубаси ё жуфти халолани шармандаи шармисор килади? Сен саройга атаб расмлар ишлаганингизда, уларга калбингиз кўрини бермайсан, аъёнларга бўёк чапланган курчокларни сотасан, холос. Менинг рангтасвирим – рангтасвир эмас, туйгунинг, эхтироснинг ўзгинаси! Менинг ижодхонамда дунёга келган Нуазеза хаё-иффатини саклаб ўша ерда қолади, ташкарига эса факат либосга бурканиб чиқиши мумкин. Гўзаллик ва аёл факат севгилиси олдида ялангоч холда намоён бўла олади. Нахотки, биз Рафаэлнинг моделини ёхуд Ариосто яратган Анжелика, Данте яратган Беатриче сиймосини билолсак! Йўк! Бизга факат бу аёлларнинг тасвири етиб келган, холос. Махкам тамбаланган анови хонада асраётган асарим эса мусаввирлик тарихида якка-ягонадир. Бу – картина эмас, бу – аёл, мен у билан йиглайман, куламан, сухбат кураман, хаёл сураман. Сен ўн йиллик бахтимдан, ҳеч гап бўлмагандек, оппа-осон воз кечишимни истаяпсанми? Мен бир зумда хам оталик, хам жазманлик, хам худоликдан айрилайми? Бу аёл – оддий тасвир эмас, у – санъат. Майли, келсин ўша йигитчанг, мен унга бор хазинамни, кимсан Коррежо, Микеланжело, Тициан картиналарини берай, хоки пойини ўпай; аммо уни ўзимга шерик килмайман! Хо-хо, мен мусаввирдан кўра кўпроқ ошикман. Ха, сўнгги нафасимни олаётганда гўзал Нуазезамни ёндириб ташлашга курбим етади, лекин унга ёт эркак – йигит ё мусаввир нигоҳи тушишига йўл кўймайман – йўк, асло! Кимки уни нигоҳи билан тахкирласа, эртасигаёк ажалани кутсин! Агар унинг каршисида тиз чўкмасанг борми, сени – дўстимни хам ўша лахзадаёк бўғиб ўлдираман. Нахотки, сен тентаклар малагимга совук нигоҳ ташлаши ва нодонларча танкид қилишига йўл беришимни хохлаётган бўлсанг! Эвоҳ! Мухаббат бу – сир, у калбнинг туб-тубида яшай олади, холос, эркак хатто дўстига хам мана, мен севган аёл – шу, дея сирни очса, шу оннинг ўзидаёк мухаббат ўлади-йўк бўлади.

Чол гўёки яшариб кетди: кўзлари чакнаб, жонланди, сўлгин ёнокларига кизил югурди. Унинг кўллари асабий титрар эди. Зўр хаяжон ила айтилган гаплардан акли шошган Порбус чолнинг бундай гаройиб, теран хисларига нима дейишни билолмай турарди. Френхофернинг эс-хуши жойидами ё аклдан озганми у? Нима, уни ижодкор тахайюли домига тортганми ёхуд бу зўр бир асарга “хомилатор” бўлгандаги кучли фанатизм асоратими? Бундай бемаъни эхтиросга гарк бўлган савдойи билан бир битимга келишдан умид килса бўладими ёки йўкми?

Шундай фикрлар исқанжасида колган Порбус чолга:

- Сиз бизга бир аёлни кўрсатсангиз, биз ҳам сизга бир аёлни кўрсатаяпмиз-ку! – деди. – Ахир Пуссен маъшукасини сизнинг нигохингизга шунчаки хавола килаётгани йўк!
- Маъшукасимиш! – дея эътироз билдирди Френхофер. – Бу киз эртами-кечми йигитчага албатта хиёнат килади. Нуазезам эса менга бир умр вафодор бўлиб қолади.
- Келинг, – деди Порбус, – бу ҳақда бошқа сўзлашмайлик. Аммо гўзалликда бенуксон аёлни Осиёда тополмасдан аввал ҳам асарингизни яқунлаёлмай бу дунё билан хайрлашингиз мумкин.
- О, картинам яқунланган, – деди Френхофер. – Агар унга нигох ташлаш бирор кимсага насиб этса, у парда ортидан бахмал тўшакда ётган аёлни кўради. Унинг ёнида эса муаттар бўй таратувчи сепоя тилла мужмар. Шунда чийратма ип шокиласидан тортиб пардани очиб юборгиси келади кишининг, “Сохибжамол Нуазеза” лакабли гўзал ишрат париси Катрин Леско худди нафас олаётгандек – сийнаси кўтарилиб-тушаётгандек туюлади унга. Аммо мен шунга ишонч ҳосил қилмоқчиманки...
- Майли, майли, Осиёдан қолманг, – дея Френхофернинг сўзини бўлди Порбус унинг кўзларида саросима кўриб.
- Сўнг у эшик томон йўналди.
- Айни пайтда Жиллетта билан Никола Пуссен Френхофернинг уйи каршисида турарди. Ичкарига киришга чоғланганларида киз мусавирнинг кўлини кўйиб юборди-да, кўнгли бир ноҳушликни сезгандек кўккис ортига тисарилди.
- Нега келдим ўзи бу ерга? – деди у хадик билан кўзларини йигитга тикиб.
- Жиллетта, ихтиёринг ўзингда дедим-ку, қандай қарорга келма – мен розиман. Сен – менинг ор-номусим, шон-шухратимсан. Уйингга қайтиб кет, балки шунда бахтиёрроқ бўларман, сен агар...
- О, сен шундай деб турган бир пайтда менда ихтиёр қоларканми? Ёш болага айланаман-қоламан. Майли, қирайлик, – деди у, чамаси, ўзини ўзи мажбурлаб. – Хатто муҳаббатимиз завоқ топиб, каттик пушаймон чексам ҳам – хоҳишингни бажарганим сенга машхурлик олиб келади-ку, тўғрими? Қирамиз! Агар расмларингда менадан бирор асар қолса ҳам, демак, мен яшашда давом этаман!
- Эшикни очган ошик-маъшуклар Порбусга тўқнаш келишди. Порбус кўзлари жикка ёш Жиллеттанинг гўзаллигига лол қолган кўйи бу вужуди тит-раб турган кизни чолнинг ёнига етаклаб кирди.
- Мана у! Нахотки, бу киз дунёнинг бутун дурдоналарига арзимаса! – деди у Жиллеттани кўрсатиб.
- Френхофер сапчиб тушди. Карокчилар ўғирлаб, қулфурушга келтирган гуржи киздек хурқак ва маъсума Жиллетта унинг каршисида кимтиниб турарди. Кизнинг юзи хаёдан алвонланди, кўзларини ерга қадади, кўллари бемажол осилиб қолди. Ибосига қилинган тажовузга унсиз таънаси – шашкатор ёшлари унинг юзларини юварди. Айни дамда Пуссен бу бебаҳо хазинани қулбасидан олиб чиққани учун ўзини ўзи лаънатларди. Чол, мусавирлар одатича, кизни нигохи билан ечинтириб, баданидаги ҳар бир аъзони хатто сир тутиладиган жойигача чамалаганда, кўзлари яшнаб-яшариб кетдики, буни кўрган Пуссеннинг юрагига азобли шубҳалар ханжар бўлиб санчилди, ботинидаги қурашда ошик мусавирни енгди. Шу тобда у чин муҳаббатнинг ўртагувчи рашкини туйди.
- Жиллетта, кетдик бу ердан! – деди жонхололда.
- Бу хитобдан қувониб кетган киз бошини кўтарди, Пуссеннинг чехрасига кўзи тушдию ўзини унинг бағрига отди.
- Мени севарқансан-да! – деди у кўзёшларини окизиб.

Изтиробини яшириш лозим бўлганда шу кадар матонат кўрсатган киз кувончини пинхон тутишга колганда куч тополмаган эди.

– Ох, уни бир лахза менинг ихтиёримга берсангиз, – деди кари мусаввир илтижо-ла, – уни Катрин Леском билан киёслаб кўришни истардим. Майли, шартингизга розиман! Френхофернинг бу хитобида ўзи яратган аёлга мухаббати хамон аён сезилиб турарди. Чол, менинг Нуазезам гўзалрок деб астойдил ишоняпти ва ижоди тирик киз устидан галаба козонишига ҳеч шубха килмаяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

– Имконни кўлдан берманг! – деди Порбус Пуссеннинг кифтига кокиб. – Мухаббат гуллари фоний, санъат мевалари эса абадийдир.

– Нахотки, у менга шунчаки бир аёл деб караса! – деди Жиллетта Пуссен билан Порбусга синчков кўз ташлаб.

Сўнгра у бошини магрур кўтариб Френхоферга чакмоқдек назар ташлади, аммо шу пайт ногох ошиги бу ерга илк бор келганида Жоржоненинг асари деб ўйлаган картинага махлиё бокиб турганини пайкаб колди-ю, катъий деди:

– Юринг, тепага чикамиз. У менга ҳеч қачон шунчалик мафтун бўлиб тикилмаган.

– Хой қария, – деди Жиллеттанинг газабидан хаёли тумтаракай бўлиб Пуссен, – мана бу ханжарни кўряпсанми? Агар кизнинг зорланган овозини эшитсам, бу юрагингга санчилади, уйингни ўтда ёкаман, бирор тирик жонни омон кўймайман! Тушундинг-а? Шу онда Пуссеннинг кўнглига чирок ёкса ёришмасди. Унинг хитоби ва-ҳимали эди. Навкирон мусаввирнинг сўзлари ва, айникса, сўзларига монанд кўл силташлари Жиллеттани хотиржам килди, киз севгилиси уни санъат йўлида, шавкатли келажаги йўлида қурбон килганини хатто кечирди хам.

Порбус билан Пуссен устахона эшиги олдида мум тишлаганча бир-бирига тикилиб турарди. Миср Марямининг муаллифи аввалига, “Ох, киз ечиняпти... У кизга ёрукка ўгирил деди! У кизни Катрин Лескосу билан солиштиряпти...” дея шивирлашга журъат этди, аммо кейин Пуссеннинг юзидаги аянчли гам-гуссани кўриб, қайтиб огиз очмади. Гарчанд мусаввирлар қарилик чоги санъат билан киёслаганда бир пулга хам арзимайдиган бундай хурофотларга бефарк бўлиб колса-да, Порбус харкалай Пуссенга завкланиб тикилди: ёкимтой ва содда эди у. Йигит ханжар дастасини маҳкам сикканча эшикка кулок тутиб турарди. Икковлон шу тобда мустабидни ўлдириш учун панада пайт пойлаб турган фитначиларга ўхшарди.

– Киринг, кириглар! – деди эшикни қия очган чол бахтдан огзи кулогига етиб. – Асарим – тенгсиз, энди уни гурур билан кўрсатсам бўлади. Ҳеч қайси мусаввир ҳеч қачон гўзал ишрат париси – менинг Катрин Лескомга тенг ракиб яратолмайди!

Сабрсиз иштиёк алангасида коврилаётган Порбус билан Пуссен устахонага отилиб кирди – хар тўртала деворига хам картиналар осилган, чанг-чунг босган кенг бир ивирсик хона. Улар олдин яримьялангоч аёлнинг бўй баравар тасвири каршисида махлиё бўлганча туриб колишди.

– О, бунга ахамият бермасангиз хам бўлади, – деди Френхофер. – Мен тик турган аёл коматини ўрганиш учунгина чизганман буни, ўзи сарик чакага хам арзимади. Мана булар эса каминанинг хатолари, – дея сўзида давом этди чол деворларни коплаган ажойиб асарларни кўрсатиб.

Френхофернинг шундай картиналарга нафрат билан беписанд караётгани-дан ажаб-ланган Порбус билан Пуссен энди чол бебахо деб таъриф этган асарни ахтармокка тушишди. Аммо уни топа олишмади.

– Мана, қаранг! – деди сочи хурпайган, юзи бўғриккан, кўзлари чакнаган чол ишк

шаробидан маст йигитдек энтика-энтика нафас олар экан. – Ха, – дея хитоб килди у, – бундай баркамолликни кутмаган эдингизми? Каршингизда турган аёлга бокмай хадеб бир нимани ахтарасиз! О, бу полотнода шу қадар теранлик борки! Хаво-чи, хаво? У сиз нафас олаётган хаводан сира фарк килмайди. Санъат қаерда, дейсизми? Санъат йўк – гойиб бўлган. Мана – кизнинг бадани. Мана – хаво! У киз баданини сийпалаб, чирмаб олмоқда, буни сезяпсизми? Осмондаги юлдузлар ҳам ахир мана шундай – сувдаги баликлар каби тасаввур уйготмайдимиз? Аёл ва бошка буюмлар бир-биридан ажралиб турганига нима дейсиз? Бу кадди-коматни кучиб олиш мумкиндек туюлмаётгани сизга? Куёш нури бирор жисмга тушганида у қандай кўриниш олишини бекорга етти йил ўрганмадим, ахир. Ёки мана бу сочларга бокинг, нақадар нурга йўғрилган у! Каранг, аёл хўрсиниб кўйгандек бўлди!.. Кўкрагини... каранг! Ох, унинг қаршида тиз чўкмайдиган одам бормикан дунёда? Бадани титраб кетди! Мана кўрасиз, у хозир ўрнидан туради!.. – Бирор нимани кўряпсизми? – деб сўради Пуссен Порбусдан.

– Йўк. Сиз-чи?

– Хеч нарсани...

Чол ўзига такрор-такрор ҳамду сано ўқиши учун имкон бериб, икки мусаввир полотнога тик тушаётган нур таассуротни бузмаётганмикан, дея текшира бошлашди. Улар дам ўнгга, дам сўлга ўтиб, гоҳ эгилиб, гоҳ ростланиб картинага обдон тикилишди.

– Ха, ха, бу – картинанинг ўзи, ўзгинаси, – деди Френхофер уларнинг бундай синчковлигини янглиш тушуниб. – Каранг, мана бу – каснок, мана бу – мольберт, мана булар эса менинг бўёқларим ва мўйкаламларим...

У хатто мўйкаламлардан бирини олиб, соддадилларча мусаввирларга кўрсатиб ҳам кўйди.

– Қари туллак устимиздан куляпти, – деди Пуссен яна полотно қаршига келиб. – Бу ерда факат гирди кўплаб галати чизиклар билан ўралган, палапартиш суркалган бўёқ чапланмаларини кўряпман, холос.

– Йўк, биз хато килибмиз, каранг! – дея эътироз билдирди Порбус. Улар яқинроқ бориб картинанинг бир чеккасида бўёқларнинг мажхул тумани аро ялангоч оёқ учини кўриб хайратдан анграйиб қолишди. Ақл бовар қилмасди: жиндай-жиндайдан қадам-бақаддам яксон этилган асарнинг бу парчаси қандай омон қолди экан?! Ёниб қул бўлган шаҳар вайроналари орасидан топилган Венера хайкалининг қолдиги кишида қандай таассурот уйготса, картинадаги оёқ ҳам худди шундай таассурот уйготарди.

– Бунинг тагига аёл яширилган! – деди Порбус картинани яқунлаш ниятида қари рассом устма-уст чаплаган бўёқлар катламини Пуссенга кўрсатиб.

Френхофер тушиб қолган жазавани сал-пал англай бошлаган икки мусаввир иттифоқо қолга ўгирилиб қаради.

– У оғзидан чиқаётган гапларга чиппа-чин ишонади, – деди Порбус.

– Ха, дўстгинам, – деди чол бирдан ўзига келиб, – ишониш зарур. Шундай санъат асари яратиш учун зўр ишонч-ла ишга киришининг, ёлғиз унинг оламида яшашинг лозим. Мана бу сояни тасвирлаш озмунча вақтимни олганми, ахир! Каранг, мана бу ер – ёногига, кўз остига тушган нимсояга; вахоланки, табиатдаги бу хил холатни кўчириш деярли амримахол. Сизнингча, мен бундай кўланкани чизишга осонликча эришдимми? Йўк, асло!

Қадрдон дўстим Порбус, ана энди асаримга диққат билан боксанг, дўнглик ва думалоклик хақида айтган сўзларим сенга аён бўлади-қолади. Аёл кўкрагига қандай табиий ёруглик туширганимга разм сол, мен ёркин шуъла ва қуюқ бўёқ орқали бу ерда мана шундай ёругликни жамлай олдим, уни баданнинг қунгай жойларидаги жилвақор



оклик билан кўшиб юбориш ва, аксинча, сояки жойларидаги бўёк бўртиклиги ва дагаллигини силликлаш эвазига киз вужудидаги хар кандай расм изи ва нотабийликни бартараф этдим ва карабсанки, тана чизиклари ҳам жонли шаклни олди. Энди якинрок келинг-да, услубга диккат килинг. Буни узокдан туриб кўриб бўлмайди. Мана бу ер, менимча, шоён диккатга лойик! – У мусаввирларга мўйкалам учи билан ёркин бўёкларнинг куюк катламини кўрсатди.

Порбус чолнинг кифтини кокиб кўйди-да, Пуссенга ўгирилиб:

– Бизнинг наздимизда, у – буюк мусаввир, биласизми шуни? – деди.

– У мусаввир эмас, кўпрок шоир шекилли, – деди Пуссен жиддий тортиб.

– Мана бу ерда, – деди Порбус картинага бармок теккизиб, – курраи арздаги санъатимиз нихоя топади.

– Кейин эса арши аълога гарк бўлади, – дея кўшимча килди Пуссен.

– Кария бу полотно устида не-не хузурбахш онларни бошдан кечирмаган!

Бирок ўз фикр-хаёлига гарк бўлган чол бу икки мусаввир сухбатига кулок солмас, у тасавурида гавдалантирган аёлга жилмайган кўйи термилиб турар эди.

– Эртами-кечми полотнода хеч вако йўклигини сезади у! – деди Пуссен.

– Полотномда хеч вако йўк дейсизми? – деб кичкириб юборди кўккис ўзига келган Френхофер бир мусаввирга, бир картинасига караб.

– Нима килиб кўйдингиз? – деди Порбус Пуссенга зарда билан.

Чол йигитнинг кўлидан махкам ушлаб олди.

– Сен нимани хам кўрардинг, кишлоки, тирмизак, нодон, хумкалла! Бу ерга нега келдинг ўзи? Ох, кўнгилчан Порбусим, – деди у кейин мусаввирга ўгирилиб, – сиз-чи, сиз хам менинг устимдан куляпсизми? Жавоб берсангиз-чи! Мен дўстингизман, ахир. Ростини айтинг, картинални бузиб кўйибманми?

Порбус аввалига каловланиб гўлдиради, бирок чолнинг бўздек окарган юзида дахшатли бир хадик зухур этгач, у полотнога имо килиб, бундай де-йишга мажбур бўлди:

– Ўзингиз хам караб бокинг!

Френхофер бир муддат картинани кўздан кечирдию кўккис гандираклаб кетди.

– Хеч нима йўк! Хеч нима! Ох, ўн йиллик мехнатим... – У ўтириб, хўнграб юборди. –

Демак, мен бир ахмокман, телбаман! На истеъдод, на кобилият бор менда, бехуда яшаб юрган пулдор бир кимсаман, холос. Эвох, мен аслида хеч нима яратмабман-а!

У жикка ёш кўзлари билан картинасига каради. Сўнг бирдан каддини гоз тутиб, икки мусаввирга еб кўйгудек тикилди.

– Исонинг кони ва жони хакки касам ичаманки, сизлар хасадгўйсиз! – деб кичкирди у. – Сизлар картинални ўзингизники килиб олмокчисиз, шу ниятда бузиб кўйгансиз деб менга фириб беряпсиз. Аммо мен, мен уни кўриб турибман – у хайратомуз даражада гўзал аёл!

Шу пайт Пуссен бир бурчакда йиглаб ўтирган Жиллеттанинг овозини эшитиб колдию унинг кошига шошилди.

– Нима бўлди сенга, фариштам? – деди мусаввир яна ошик йигитга айланиб.

– Ўлдир мени! – деди киз кахрли овозда. – Чунки энди сендан нафратланаман, сени аввалгидек севиш бу – шармандалик! Сенга суйиб караяпман-у, айна чокда жирканяпман хам. Мен сени севаман, аммо севгимни нафрат енгиб бораётгандек!

Пуссен Жиллетта билан овора экан, ўгри шарпасини сезган заргар тилла зеб-зийнатлар кутисини кандай яширса, Френхофер хам ўз Катрини устига хотиржамлик билан, авайлаб яшил мато тортиди. Чол иккала мусаввирга хўмрайиб каради, унинг нигохи

нафрат ва шубхага тўла эди. Сўнг уларни устахона эшигигача мик этмай, асабий шошалоқлик билан кузатиб кўйди-да, уй бўсагасида:

– Алвидо, азизларим! – деди.

Бундай хайрлашувдан иккала мусаввирнинг ҳам кўнгли гаш тортди.

Эртасига Порбус Френхофердан хавотирланиб, хабар олгани унинг уйига борди. Чол хамма картиналарини ёкиб юборган ва ўша окшом казо килган экан.

Париж, 1832 йил, февраль

*Наим КАРИМОВ таржимаси*

## ТАРЖИМОНДАН

Давр ўзгариши билан маънавият ва маърифат масалаларига муносабат ҳам ўзгариб боради. Одамзод бундан чорак аср илгари хатто истирохат богларидаги кутубхоналарда ҳам мукка тушиб китоб ўқир, газета ва журналларнинг янги сонларини вараклар, таниш дўкончиларга ялиниб-ёлвориб, нафакат Москва, балки Тошкентда ҳам нашр этилган мумтоз китобларни сотиб олиш чорасини кидирар эди. Ўша якин-олис замонларда ёшлар ҳам, катталар ҳам саргузашт китоблардан кўра, Шарк ва Гарб адабиёти классикларининг асарларини ўқишга кўпроқ иштиёкманд эди. Афсуски, бугунги ёшлар ва бугунги катталар на Толстой, на Бальзак, на Фузулий асарларини ўқишга эhtiёж сезади.

Камина “Тафаккур” журнали тавсияси билан Оноре де Бальзакнинг “Гойиб бўлган дурдона” хикоясини мутолаа килар эканман, турли ўткинчи юмушлар билан банд бўлиб, жaxon мумтоз адабиётидан узоклашиб колганимни ўқинч-ла хис этдим. Буюк истеъдоднинг биргина шу хикоядаги порлок шуълалари баграмни шу кадар жимирлатиб юбордики, нўнок таржимонлардан бўлишимга карамай, уни ўзбек тилига ўгирмокка жазм килдим.

Устозларнинг хотирлашича, Ойбек домла жaxon адиблари орасида Бальзакни кўпроқ мутолаа килган экан. Кимдир менга мазкур француз адибининг бирор машхур асари билан “Кутлуг кон”ни киёсий ўргансангиз, Ойбек махорати сирларини кашф этган бўлардингиз, дегани ёдимда. Афсуски, мен бу маслахатга ўша вақтда эътибор бермаган эканман.

Бальзак бошка буюк француз адиби Стендаль билан бир даврда яшаган. Уларнинг хар иккиси ҳам Франциянинг ўша даврдаги хаётини кузатиб, мушохадалари асосида ёстикдек-ёстикдек ки-тоблар битган. Аммо Стендаль, Андре Моруа ёзганидек, персонажлари ёрдамида факат ўзининг рухий дунёсини очган бўлса, Бальзак “бутун бир оламини бунёд этганки, бу олам бир вақтнинг ўзида ҳам унинг даврига, ҳам бошка барча даврларга тааллуқлидир”.

Бальзак рус шоири Пушкин билан бир йилда (1799) тугилиб, ундан 13 йил кейин, 1850 йили хаётдан кўз юмган. Ана шу 13 йил унинг учун айникса самарали бўлган. Аввало, у ёшлик ва йигитлик фаслларида ёзган битикларидан воз кечган ва ўз олдига гоят улкан вазифани кўйган. У буюк итальян шоири Дантенинг “Илохий комедия”си ўрта асрларда Европа халклари хаётига кандай зўр таъсир кўрсатган бўлса, XIX аср хаётига ана шундай таъсир кўрсата оладиган асарлар туркумини яратишга ахд килган ва бу туркумни “Инсоний комедия” деб атаган. У, Дантедан фаркли ўларок, ўз туркумида

нариги дунё воқеаларини ва кишиларнинг у дунёдаги ҳаётини эмас, балки ўзи гувоҳ бўлган давр ҳодисаларини, замондошларининг серкатлам ва мураккаб ҳаётини акс эттиришга бел болаган. Бальзак “Ахлокий этюдлар”, “Фалсафий этюдлар”, “Тахлилий этюдлар” деб аталган уч туркумга жо бўлган романларида, адабиёт тарихчилари ёзганидек, XIX асрдаги француз жамияти анатомиясини очиб ташлайди.

Шуниси гаройибки, Бальзак болалик йилларида касалманд бўлгани сабабли ота-онаси уни хатто ўқишдан ҳам олиб қолишган экан. Аммо вилоятда (Турда) тугилган йигит оиласи билан Парижга кўчиб келганидан сўнг, таълим олгани адлия соҳасини танламай, Сорбоннада машхур француз олимларининг адабиёт бўйича маърузаларини тинглаб, ёзувчи бўлишга қарор қилади. Табиат нимжон бир йигитга шундай куч ва ирода ато этган эканки, у тинимсиз меҳнат ва машқ орқасида ҳам жисмоний, ҳам ижодий жиҳатдан забардаст шахс даражасига эришади. Ўз олдига зодагонлик рутбасини олиш, депутатлар палатасига ва Франция академиясига аъзо бўлишдек юксак мақсадларни кўяди. Аммо минг хил ҳаётий ва хавойи орзулар қанотида яшаган адибнинг бош мақсади буюк италян шоири билан рақобатлашиш эди.

“Инсоний комедия” олтишдан зиёд романдан иборат. Бу романлар марказида ноёб истеъдодини тўлик намоён этиш имконига эга бўлмаган ночор инсон тақдири туради. Биз “Гойиб бўлган дурдона” ҳикоясида ҳам шундай қаҳрамон тақдири билан танишамиз. Томчида куёш акс этади, деганларидек, шу ҳикояда ҳам Бальзакнинг нафакат беназир адиблик маҳорати, балки ўзи тасвирламокчи бўлган кишилар, воқеалар, соҳаларни бениҳоя пухта билиши яққол кўринади ва бизни хайратга солади.

Сиз, азиз журналхонни билмадим-ку, аммо Бальзакнинг бу кичик дурдонаси менинг классик адиб ва классик адабиётга нисбатан хиралашиб қолган кўзларимни дафъатан очиб юборгандек бўлди.

*Хуршид Даврон сайтидан олинди.*